

ОЛАМ МАНЗАРАЛАРИ ИФОДАСИДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ВА ЛИНГВОГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

Дилрабо Келдиёровна БАХРОНОВА

PhD, доцент

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ И ЛИНГВОГЕОГРАФИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ В ВЫРАЖЕНИИ КАРТИН МИРА

Дилрабо Келдиёровна БАХРОНОВА

PhD, доцент

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени
Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

THE ROLE OF NATIONAL-CULTURAL AND LINGUO-GEOGRAPHIC FACTORS IN EXPRESSING THE PICTURES OF THE WORLD

Dilrabo BAKHRONOVA

PhD, Associate professor

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi
Tashkent, Uzbekistan iiinteligente@gmail.com, bahronovadilrabo@navoiy-uni.uz

UDC (УЎК, УДК): 81-23

**For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):**

Бахронова Д.К. Олам манзаралари ифодасида миллий-маданий ва лингвогеографик омилларнинг роли // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 3 (38). — Б. 41–51.
<https://doi.org/10.36078/1624433411>

Received: April 15, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада халқ ва менталитет, категориялар, инсон-тил-тафаккур-маданият, оламнинг турли (лисоний, фалсафий, фольклор, мифологик, диний) манзаралари, концептуал тадқиқотлар, этнослар тарихи ва шахснинг лисоний онги, бадий матннинг ментал макони ва бошқа, замонавий тилшунослик учун долзарб бўлган масалалар кўриб чиқилди. Оламнинг турли манзараларининг жаҳон тилшунослигида ўрганилган назарий масалаларига муносабат билдирилди, уларга таъриф ва тавсиф берилди. Мақолада, шунингдек, “Сомон йўли” атамаси ва турли метафораларнинг хусусиятлари, келиб чиқиши ўрганилади, аниқланади ва тавсифланади. Табиат, макон ва замонадаги мавжуд воқеа-ҳодисалар, чексиз оламлар сир-синоатга тўлаллиги билан инсониятни доимо жалб қилган. Оламнинг илмий манзараси шаклланишидан аввал Коинот, Она замин ва уммон тубларининг сирли, мистик хусусиятлари оламнинг мифологик ва фольклор манзараларида ифодаланган. Уларда инсон ўзини гоҳида бу ҳаётнинг яратувчиси, гоҳида унинг қурбонидек ҳис қилиши, ўзини химоя қилиш учун уни ўраб турган оламни тушунишга интилиши тасвирланган. Демак, олам манзаралари турли жамиятларда худуди ва ижтимоий мавқеига кўра асрлар давомида шаклланади, ўзига хос стереотиплар, эталон ва қонун-қоидаларни яратади. Одамзотнинг борлиқ-табиатга бўлган бундай муносабати маданият қатламларини ташкил этувчи оламнинг турли манзараларида акс этган.

Калит сўзлар: олам манзаралари; маданият; мифологик; лисоний; илмий; фольклор.

Аннотация. В статье рассматривается взаимодействие человека и менталитета, категории человек — язык — мышление — культура, различные картины мира (языковая, философская, фольклорная, мифологическая), концептуальные исследования, история этносов и языковое сознание личности, ментальное пространство художественного текста и другие вопросы современной лингвистики, относящиеся к мировоззрению разных народов. В статье также исследуются, идентифицируются и описываются особенности и происхождение словосочетания *Млечный Путь* и различные метафоры испанского и узбекского языков. Текущие события в природе, пространстве и времени, бесконечных мирах всегда привлекали человечество своей таинственностью. До формирования научной картины мира загадочные, мистические особенности Вселенной, Матери-Земли и океана выражались в мифологических и фольклорных картинах мира. Они изображали человека иногда как создателя этой жизни, иногда как его жертву, пытающуюся понять окружающий мир, чтобы защитить себя. Это означает, что мировоззрение формировалось веками в разных обществах в соответствии с их территорией и социальным статусом, при этом создаются свои собственные стереотипы народа, его стандарты и правила. Такое отношение человечества к природе отражается в различных картинах мира, составляющих пласты культуры.

Ключевые слова: картины мира; культура; мифологический; языковой; научный; фольклорный.

Abstract. The article examines a human and mentality, categories, person-language-thinking-culture, various pictures of the world (linguistic, philosophical, folklore, mythological), conceptual studies, the history of ethnic groups and the linguistic consciousness of a person, the mental space of a literary text and other issues of modern linguistics, related to the worldview of different peoples. The article also investigates, identifies and describes the features and origins of the term “Milky Way” and various metaphors of Spanish and Uzbek languages. Current events in nature, space and time, endless worlds have always attracted humanity with their mystery. Before the formation of a scientific picture of the world, the mysterious, mystical features of the Universe, Mother Earth and the bottom of the oceans were expressed in mythological and folklore pictures of the world. They portray a person sometimes as the creator of this life, sometimes as his victim, trying to understand the world around him in order to protect himself. This means that the worldview has been formed over the centuries in different societies in accordance with their territory and social status, creating their own stereotypes, standards and rules. This attitude of mankind to nature is reflected in various pictures of the world that make up the layers of culture.

Keywords: the pictures of the world; culture; mythological; linguistic; scientific; folklore.

Кириш. Жаҳон тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири турли тизимли тилларда олам манзараларини категориялашда когнитив-концептуал ва миллий-маданий хусусиятларни англлатувчи тил бирликларининг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари илмий тадқиқи саналмоқда. Турли тиллар олам манзараларини (сода, фалсафий, лисоний, диний, фольклор, маданий ва ҳ.к.) ўрганишда фаол бўлган метафора ва иборалар моҳиятини англаш, уларнинг тилда воқеланишини тавсифлаш, ушбу ҳодисаларни оламнинг турли манзаралари кесимида

категориялаш, шаклланиш ҳамда вербаллашувига туртки берадиган лисоний ва нолисоний омилларни аниқлаш долзарб ҳисобланмоқда.

Жаҳон етакчи илмий марказларида замонавий тилшуносликда олам турли манзараларининг кенг миқёсдаги тадқиқи лингвوماданиятшунослик, когнитив тилшунослик, социолингвистика каби йўналишлар доирасида кенг ўрганилмоқда, бунда метафора ва ибораларнинг лингвогеографик, лингвогеральдик, гендерологик каби жиҳатлари тавсифини ёритиш, уларнинг инсон нутқий фаолиятидаги ролини аниқлаш, олам манзараларини категориялашда турли тизимли тиллар метафора ва ибораларини қиёсий-чоғиштирма тадқиқ этиш, назарий-методологик тамойилларини белгилаш ҳамда этнослар миллий ментал тафаккурини мажмуавий кўринишда изчил тадқиқ этиш муаммоси бугун янада интеграциялашаётган жаҳон илм-фанида чуқур тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда турли тиллар олам лисоний манзарасида метафора ва иборалар илмий-амалий тадқиқи изчил ўрганилди. Инчунун, метафора ва иборалар минг йиллар давомида шаклланиб, халқларнинг тарихий тафаккури, миллий-маданий онг-шуури ҳосиласи ўлароқ бугунимизга қадар етиб келган. Бошқа тилларга қиёсий-чоғиштирган ҳолда ўзбек тили бойликларини юзага чиқариш ҳамда жаҳон ривожланган тиллари қаторига қўшиш давлат сиёсати масаласига айланди. Тил бойликларини маданият, тафаккур, ҳамда бошқа фанлар интеграцияси кесимида ўрганиш бўйича миллий-маданий меъёрлар ва қоида-қонуниятлар яратилмоқда. Тилнинг бой фонди ҳисобланган метафора ва иборалар, шак-шубҳасиз, миллий маданиятнинг ажралмас қисми, унинг ўзлигини намоён қилувчи кўзгусидир. Ўзбек, испан, инглиз ва рус тилларига хос оламнинг турли манзаралари қиёсий-чоғиштирма тадқиқи турли луғатлар тузишда, таржимашунослик масалаларида, шу қаторда ўзбек тилининг миллий-маданий дурдоналарини жаҳон илм аҳли эътиборига тақдим этиш имконини беради. Бу мақсадни амалга ошириш учун фундаментал тадқиқотларни жаҳон фани ютуқлари даражасида олиб бориш лозим бўлади.

Асосий қисм. Инсон муаммоси бугун барча фанларни боғловчи бўғинга айланди. На табиат, на дунё, на турмуш тарзи ўз-ўзидан маданият фактлари бўлиб қолади, фақат инсоннинг борлиги, унинг баҳолаши орқали барча нарсаларга мазмун-моҳият киради. Бу ерда биз хоҳлаймизми ёки йўқми, инсоният онг-шуурида мавжуд оламнинг аксиологик манзарасига мурожаат қиламиз, чунки биз барча нарсаларни яхши/ёмон, тўғри/нотўғри баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Шуниси эътиборлики, кимгадир яхши бўлган шахс/нарсаси бошқа бир одамга ёмон бўлиши мумкин. Бу ҳар бир одамда индивидуаллик борлигини кўрсатади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ер юзида қанча инсон яшаса, уларнинг ҳар бирининг олам манзаралари мавжуд ва улар ўзига хос. Бизнинг тадқиқотда олам манзаралари индивид даражасида эмас, балки социумга/муайян жамиятга хос — умуммиллий жиҳатдан таърифланади ва таснифланади.

Француз тилшуноси К. Ажежнинг фикрича, одамзот табиатини англаш уни турли кўринишларида тушуниш демак. Лингвистика бугунги кунда биринчи ўринга *homo loquens* — гапирувчи мавжудот сифатидаги инсонни илгари суради. Унинг фикрича, “бугунги кунда *Homo Loquens* (гапирувчи инсон)ни қандайдир ‘идеал гапирувчи’ сифатида, унинг муайян маданиятга мансублигидан ташқарида кўриб

чиқиш қийин, зеро, коммуникация субъекти — одам доимо тил ва маданият субъекти ҳам ҳисобланади” (11, 2931). Номо Loquens-антропоморфнинг бундай тушунилиши уни ўз соҳиби бўлган лингвумаданият билан таққослашда кўриб чиқишни назарда тутуди, яъни тил ва маданият бир томондан, Номо Loquensни шакллантиради, бошқа томондан эса унинг ўзи томонидан шакллантирилади. Демак, инсон ўзини ўзи ва ташқи табиатни ижодий фаолият натижасида англашга ҳаракат қиладиган ички табиатдир, яъни табиат ичида яшаётган яратувчилик қобилиятига эга бўлган узвий ажралмас бўлакдир. Олимлар айнан табиат ва фаолият уйғунлигида, уларни англаш жараёнида маданият юзага келган, деб ҳисоблайдилар ва биз уларнинг бу фикрига қўшилаемиз. Инсон, атроф дунёда тирик қолишга ҳаракат қилиб, ундан кўп нарсани ўрганган. Ҳаётнинг ўзи инсонни кузатувчан ва омилкор бўлишига ундаган. Масалан, ҳайвонлар табиатан инсонга яқин ҳисобланади ва уларнинг хусусиятлари одам томонидан ўзгарувчан, тамаддун ривожини билан боғлиқ инсон дунёсига илк даврлардаёқ турли нуқтаи назардан (илоҳ, тотем, рамз) жалб этилган.

Олам манзаралари ҳақида сўз кетар экан, демак дунё ҳар хил бўлимлардан ташкил топган экан, деб тушунмаслик керак, масалан, оламнинг мифологик манзараси дунё манзарасини бўлиб ташламайди, унда табиат инсон, илоҳий кучлар яхлит бирликни ташкил этади. Инсон кичик олам — микрокосмос, катта олам-борлиқ эса — макрокосмос сифатида гавдаланади. “Маданиятга инсон кўзи билан қараш”, яъни антропология — инсоннинг ўзи ҳақидаги фанга урғу берди” (12, 109; 1, 243). Этнологлар, тарихчилар, тилшунослар, психологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, узоқ ўтмиш одами содда бўлмаган. Инсон ўзини алоҳида шахс сифатида англаш қаторида уруғ, тотем аъзоси, ҳаттоки, ҳайвон ёки ўсимликдек ҳис қилган. Оламнинг мифологик манзарасида бу онг акс этар экан, ҳаттоки алоҳида маънога эга бўлган бошқа, тамаддундан аввалги маданият бўлгандек эҳтимол туғдиради.

Инсон ким?! У — маданият оламининг муаллифи. Испан олими Э.Гонсалес Гаудиано “борлиқ-табиат нафақат инсон атрофида унинг яшаш муҳити сифатида шаклланади, у, шунингдек, одамзотнинг ички оламини ўзгартиради”, дейди (6, 257). Бугунги глобаллашув замонида инсоннинг у ёки бу даражада ўзгаргани гувоҳимиз. Бу ҳолат маданиятда ҳам, тилда ҳам ўз аксини топмоқда. “Тиллар жамият ривожининг аввалги даврлари ҳақидаги бебаҳо далиллар ҳисобланиб, жамиятда билим олишга оид ва маданий жараёнларнинг айрим босқичлари белгиларини акс эттириш боисидан сақланиб қолган қимматли манбадир” (11, 92). А.Орипов ҳам:

*Ўрним бордир оламда
Ўзгалардек барқарор,
Боболар туфайлидир
Менда не фазилат бор, деб ёзади (16, 34).*

Айтмоқчимизки, тилшунослик фанининг эришган ютуқлари, бугунги кунда бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари салоҳияти, мақоми бевосита бугунгача қилинган олимларнинг заҳматли меҳнатларига бориб тақалади.

Хуллас, оламнинг турли манзараларига оид билимлар ёндош равишда мавжуд бўлиб, деярли кесишмайди. Замонавий илм-фан берган

маълумотларга кўра, борлиқ-оламнинг тузилиши ва унинг қисмлари қандай эканини билган бугунги Homo Loquens ҳеч ўйланмай Зухро юлдуз, Сомон йўли сўз бирликларини ишлатади. Оламнинг илмий манзараси нуқтаи назаридан Зухро, бу юлдуз эмас, сайёрадир. Сомон йўли эса мегагалактиканинг бири. Шу ўринда, “Сомон йўли” номининг ўзи ҳам турли этносларда оламнинг лисоний манзараси турличалигидан нишонадир. Галактика (gala, gálaktos) юнончада сут, сутли маъносини англатади. Қуёшга яқин атрофда жойлашган галактиканинг ўзбек тилида номи сомон йўли аталишига сабаб қадимдан юлдузлар маълум бир текисликка нисбатан зич жойлашган бўлиб, ота-боболаримиз уни ранги ва ёйилиб кетганлигига нисбатан арава кетидан тўкилган сомондан ҳосил бўлган йўлга ўхшатган бўлсалар, юнонлар тўкилаётган сутга менгзаганлар. Юнонча Kiklios Galaxios бошқа ғарб тилларига ҳам маъновий ўзлашиб кетган, испанчада Vía Láctea (сут йўли), рус тилида ҳам Млечный Путь (сут йўли) деб номланади. Бу терминнинг келиб чиқиш тадқиқи бизни юнон мифологиясига йўналтирди: Юнон худоси Зевс ерлик аёл Алкменадан Ҳеракл исмли ўғил кўрган. Бу хабарни эшитган илоҳа Ҳера саккиз ойлик болани йўқ қилишга уринади ва уни ўлдириш учун икки илонни юборади, бироқ Ҳеракл уларни яланғоч қўллари билан бўғиб ўлдиради. Илоҳ Оракуло гўдак Ҳераклни келгусида қахрамон бўлиб етишишини сезиб, унинг худолардек ўлмас/барҳаёт яшаши учун чора излаб топади, яъни бола уни ўлдиришга интилаётган илоҳа Ҳерани эмиши керак эди. Бу вазифа худолар элчиси Ҳермесга топширилади ва у илоҳий сутни эмизиш учун гўдак Ҳераклни ухлаб ётган Ҳеранинг кўксига жойлаштиради, аммо уйғониб кетган ва нима бўлаётганини тушуниб етган Ҳера эмаётган гўдакни кўксидан куч билан узиб олади ва унинг кўкрагидан сочилган сутдан Сут йўли (Сомон йўли) ҳосил бўлади (4). Астрономия илмида ғарб олимлари юлдузлар бирлашмаларини галактика деб аташни энг мантиқий деб топдилар. XX аср бошларидаги изланишларда ҳам бу самовий шаклланишлар узун сутли йўлларга ўхшашлиги ва шунинг учун галактика номи яхши қўлланилган, дея фиркга келинган (5). Аммо луғатларга мурожаат қилганимизда (шунингдек, Wikipedia маълумотларидан фойдаланилди), бу швед тилида Vintergatan (Қиш (қор) йўли) (9); япон тилида 天の川 кумуш дарё; хитой тилида ҳам 銀河 кумуш ёки самовий дарё деб номлангани кузатилди. Араб тилида эса ҳам сут йўли, ҳам сомон йўли — درب التبانة “Дарб ат-таббана” (Сомон йўли) ва الطريق اللبني “ат-Тариқ аллабаний” (Сут йўли) — иккала талқини қўлланилади. Турк тилида Samanyolu (Сомон йўли) бўлса, энг қизиқарлиси ён қўшни ва қардош қозоқ тилида у Қус жоли (Қуш йўли) деб аталади. Бу номларнинг этимологиялик келиб чиқиши этносларнинг ривоятларига бориб тақалади. Демак, оламнинг мифологиялик манзараси турли халқларда турлича терминлар пайдо бўлиши ва уларнинг баъзилари илм-фан томонидан тан олинди, илмий термин сифатида қўлланилаётганлиги терминологиянинг қизиқарли фактларидандир. Бунда мифологиялик манзара терминини илмий манзара терминига ўзлаштирилишигача бўлган мисолни кўриш мумкин. Ўз-ўзидан мифологиялик манзара натижасида италян, испан, инглиз лисоний манзарасида — сут лексемаси устунлик қилаётган бўлса, ўзбек, турк, қирғиз лисоний манзарасида сомон етакчи сўз. Бундан келиб чиқадики, қадимда Оврупо худудларида кўпроқ чорвадорлик, шарқ мамлакатларида эса деҳқончилик ишлари ривожланган. Қозоқ тилида қуш йўли деб ном олгани, асосан, бу худуд чўллардан иборат эканлиги

(экин ўсмайди) ҳамда кўчманчи халқ сифатида уларнинг ҳаётида қушлар муҳим рол ўйнаган бўлиши эҳтимолини ва натижада қозоқ лисоний манзарасида ушбу бирикма илмий термин сифатида қабул қилинганлигини кўрсатади. Оламнинг лисоний манзараси ва оламнинг илмий манзараси тушунчалари ўртасидаги фарққа асосланиб, О.Корнилов оламнинг лисоний манзараси объектив дунёни етарли даражада акс эттириши мумкин эмас, деган хулосага келади, чунки унинг фикрича, бу оламнинг илмий манзараси вазифасидир (15, 104). Олим “инсон — нутқ тафаккури — идрок — объектив олам” моделини кенгайтириб, “тафаккур”, “ҳис қилиш”, “тақдимот”, “баҳолаш”, “хаёл/фараз қилиш” каби механизмларни ҳам “билиш” тоифасига киритади ва: “Лисон инсон онги ифодаловчисидир, унинг таркиби бир нечта компонентлардан иборат: мантиқий-концептуал, сезиш-рецептив, ҳиссий-баҳоловчи ва мифологик”, деб ёзади.

Демак, инсон онг-шуурида объектив олам кўзгудагидек акс этмайди, балки алоҳида шакл ва тасаввурлардан иборат бўлади. Ҳар бир шахсда умри давомида тезаурус шаклланиб боради. Ҳаёт ўзи энг мохир муаллим! Тажриба олган билимни амалда саралаб беради. Ундан бизга керакли илм қолади. Демак, билим-тажриба-илм учлиги, бир умр синалиб энг зарурийлари инсон тафаккури ва генида яшаб қолади. Бу фикримизни ҳар бир индивид даражасида, ёки миллат-элатлар миқёсида татбиқ этиш мумкин бўлади, масалан, кўзгуда ҳайвон сифатида аксланаётган тулки қайсидир этносда айёрлик белгиси бўлса, бошқасида зукколик рамзи ҳисобланади. Бу маъно-мазмунлар бугун ё кеча пайдо бўлган эмас. Сўзларнинг ёрқин семантик хусусиятлари турли маъно касб этиши учун билим-тажриба-илм учлиги инсоният пайдо бўлганидан буён тинимсиз тўкнашади.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида тулки (лиса, fox) пейоратив коннотацияга эга (тулкидек айёр, хитрый как лиса, sly as a fox). Демак, ўзбек, рус лисоний манзарасида айёр ва маккор одам “тулки”га киёсланади. Шундай сифатли одам ҳақида яна “Тулки каби тумшуғидан илинди” ёки “Кўзбўямачи тулки бўлади, халқ ичида кулги бўлади”, каби ўнлаб мақол-маталларимиз ҳам мавжуд. Испан тилида бу зоолексеманинг қув, ақли ўткир маъноларда ишлатилиши испан халқи олами манзарасида тулкининг табиатдаги ўзини тутиши хусусиятлари тилга ақли ўткирлик, зукколик рамзи сифатида кўчишига сабаб бўлган: *sagaz y rapido como un zorro; tan astuto como un zorro*. Чунки биз тулкини айёр деб билишимиз бизнинг нуқтаи назаримиздан, аммо унинг овчининг тузоғига илинмаслиги, қопқонлардан кутулиб кетиши унинг ақллилиги белгисидир. Американинг машҳур “El Zorro” (Тулки) фильмида де ла Вега образининг лақаби Zorro → Тулки бўлиб, бу образ ўз ақли, қувлиги, ҳийлакорлиги ва чаққонлиги билан оддий инсонларни золим босқинчилардан ҳимоя қилиш рамзи сифатида ёритилиши бунга ёрқин мисол бўла олади, яъни Zorro → Тулки-одам қаҳрамони халқ қалби, тасаввуридаги ижобий образ. Шу сабабли классика ҳисобланган бу фильм номи рус ва ўзбек тилларига таржима қилинмаган. Таржима қилинганда фильм мазмуни ва номи бизнинг менталитет нуқтаи назаримиздан қарама-қарши фикрларга сабаб бўлади, чунки ўзбек лисоний, фольклор ва мифологик манзарасида тулки ижобий образ сифатида гавдаланмаган. Агар ўзбек киноижодкорлари “Тулки” деган бадиий фильм ишласалар, бизнинг назаримизда фильмни кўрмасдан туриб ҳам унда айёрлик, алдаб кетиш ҳақидаги фикрлар шаклланиши табиий ҳисобланади. Демак, ўзбек ва испан тилларида тулкининг айёр

ёки ақлли деб баҳоланиши бу халқлар онгу-шуурида шундай онтологик тасаввурнинг яшаб келганлиги туфайли воқеланган: тулки → тулкидай айёр = айёр одам; zorro → sagaz y astuto como un zorro = un hombre sagaz y astuto.

Умуман олганда, оламнинг лисоний манзараси дунё ҳақидаги оддий, лисоний ва илмий билимлар бирга мавжудлиги туфайли само ва коинот, инсон ва шахс, меҳр-мурувват, онг ва тафаккур ва ҳоказоларни таҳлил қилиш натижасида иккиламчи маънолар — метафоралар, кўчма маъноларни пайдо қилади (12, 226). Шунингдек, омоним сўзлар оламнинг турли манзараларида ҳар хил ифодаланиши мумкин: “оғиз” оламнинг содда манзарасида инсоннинг тана аъзоси, “оғиз” лисоний манзарада янги тукқан сигир сутидан тайёрланадиган таом ёки яна кўчма маънода “оғиз” қозоннинг оғзи; оламнинг илмий манзарасида (тиббиётда) эса бу бир қанча рецепторлар жойлашган организмнинг мураккаб аъзоси (оғиз бўшлиғи).

Олам манзарасини англаб етиш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди, яъни биз она тилимизда акс этган олам манзарасини қайси нуқтаи назардан ишлатаётганимизни баъзан пайқамаймиз. Бошқа маданиятнинг олам манзарасини ҳам она тилимиз кўзгуси орқали таҳлил қиламиз ва бунда ўзга маданиятдан беҳабарлик хато хулосалар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Айниқса, турли концептларни метафорик моделлаштиришда муайян халқ маданиятида эталон сифатида қабул қилинган тушунчалар ётади. Масалан, ўзбек тилида маймун абжир, тақлид қилувчи одам ҳамда бадбашараликни ифодалайди (20, 529). Испан миллий маданиятида mono/a (маймун) келишганлик, чиройни ифодалайди. Масалан: ¡Qué mono/a! (Қандай чиройли! Айнан. Қандай маймун!). Шунингдек, ушбу тил лисоний оламида спиртли ичимликни кўп ичиб, қотиб ухлаётган одамга нисбатан, dormir la mono ибораси қўлланилади. Манбаларда бу ибора XVI асрда вино ичимлиги сифатини аниқлаш учун маймунларга берилгани ва ичиб олган маймунлар қотиб ухладан келиб чиққанлиги ёритилган (7). Ўзбек лисоний манзарасида эса орқа-олдига қарамай, меъёридан ортиқ даражада спиртли ичимлик истеъмол қилувчи пиёниста одамга нисбатан “итдай/молдай ичмоқ” ибораси ишлатилади: Бир куни итдек ичиб келганида, чолим раҳматли қаттиқ койиди, жуда қаттиқ койиди (18, 36). Кўриниб турибдики, олам манзаралари муайян халқ миллий маданиятини, ўша халқ томонидан меъёр сифатида қабул қилинган эталон, стереотипларни ёритишда ментал характер касб этади.

У тилдан бу тилга ўгираётганда муқобил маънони топиш учун турли элатлар тилини чуқур билиш, қиёсий-чоғиштирма-концептуал тадқиқотлар олиб бориш дунё тилларининг хусусиятларини ўрганишнинг энг қизиқарли ва энг салмоқдор йўлидир. Бундай тадқиқотлар натижаси таржимон ва тилмочларга муҳим манба сифатида хизмат қилади. Бу таржима жараёнида муайян тилгагина хос бўлган метафорик мазмунни сақлаб қолиш учун, нафақат тилни билиш, балки ўша тилнинг миллий-маданий нозикликларидан хабардор бўлиш лозимлигини ҳам кўрсатади. Жумладан, ўзбек лисоний манзарасида жим туриш, сукут сақлашда толқон, мум кабилардан фойдаланилганлигини (мум тишламоқ, оғзига толқон солмоқ); испан тилида балиқ, девор лексемалари иштирокини (estar [tan] pez; boca cerrada, más fuerte es que muralla); рус тилида қулфга менгзалишини (повесить замок на рот; закрыть рот на замок), инглиз тилида — тугмага қиёсланишини (to button up one's mouth) кузатиш мумкин. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки,

испанча *estar* [tan] *pez* метафорасига ўзбек тилидаги “оғзига толқон [талқон] солмоқ ёки ютмоқ”, “мум тишламоқ” каби иборалар маълум контекстдагина муқобил бўла олиши мумкин. Бунда кишининг оғзида толқон ёки мум бўлганда гапира олмаслик каби инсон ҳолатига ассоциативлик ҳосил қилиши эътиборга олинади: Нега жим ўтирибсизлар? Оғизларингизга толқон солиб олдиларингизми?! (17, 140; 21, 139). Бироқ, бу микромаънода келтирилган ўзбекча “оғзига толқон солмоқ” иборасини испанча *estar pez* метафорасига тўлақонли тенглаштириб бўлмайди, чунки ўзбекча иборада билимсизлик маъноси мавжуд эмас. Бу метафоранинг испанча когнициясида ҳам жим туриш ҳамда ҳеч вақони билмаслигидан лом-мим демаслик маънолари ётади. Испан тили изоҳли луғатида (кейинги ўринларда DRAE) балиқ зоолексемасига 27 та изоҳ берилган (3, 1590). Бу фақатгина *pez* (тутилмаган балиқ) сўзига, аммо ушбу тилда, шунингдек, *pescado* (тутилган балиқ) лексемасида ҳам бта изоҳ бор. Испан лисоний манзарасининг бундай салмоқли сўз бойлигига эга бўлиши лингвогеографик омилга, яъни ҳудудининг кўп қисми уммон ва денгизлар билан ўралганига боғлиқ. Ўз-ўзидан бу турли халқлар олам манзаралари тавсифида ҳудуднинг ҳам катта таъсири борлигини далиллайди. ЎТИЛда балиқ зоолексемаси билан “балиқнинг тириклиги сув билан; кўлнинг отини балиғи чиқарар; эшак минган от сўрамас, балиқ еган эт сўрамас” мақоллари ҳамда луғатнинг “балиқкўз II” мақоласида “кўзи чақчайган, чақчайма кўз” маъноларини беришидан бошқа кўчма маънолар келтирилмаган (19, 148–149). Ўйлаймизки, “кимдир ўзини сувдаги балиқдек сезмоқ”, “кимдир нимадандир балиқдек (сирғалиб) қутулиб чиқиб кетмоқ” каби ўзбек тилининг миллий-маданий тил бойлиги ҳисобланган бу иборалар ЎТИЛнинг кейинги нашрларида балиқ мақоласида ўз аксини топса мақсадга мувофиқ. Зеро, изоҳли луғатларга энг кўп мурожаат қилиниши луғатчиликда янада маъсулият билан ёндашувни тақозо этади. Жим туриш ҳақида сўз кетар экан, жимжитликни тасвирлаб берган испан шоири Ф. Г. Лорка ижодида сукунат — учиб кетишга шай уяга ташбих этилгани кузатилди:

*Detrás de cada espejo
hay una calma eterna,
y un nido de silencios
que no han volado (14).
Ҳар бир кўзгу ортида
абადий жимжитлик бор,
ва ҳали учиб кетмаган.*

сукунатнинг уяси (таржима муаллифга тегишли).

Халқнинг маданий коннотацияларини билиш оламнинг турли манзара ва концептларини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Бир тилдаги баъзи миллий-маданий концептлар бошқа концептуал тизимга таржима қилинганда ўша маданиятнинг шунга мос концептига алмаштирилади. Ф. Г. Лорка ижодида фақат испан лисоний ва миллий-маданий манзарасига тегишли кўплаб ташбихларни учратиш мумкин: *El concierto interrumpido* (*Buzilgan tomosha*) шеърда *y un chopo solitario*, *el Pitágoras de la casta llanura*, *quiere dar con su mano centenaria un cachete a la luna* ўзбек тилига Пифагор — ёлғиз терак, кўтарди 100 йиллик кўлин Ойнинг ёноғига урмоқчи бўлиб (бизнинг таржима) Шавкат Раҳмонда Пифагор — кекса терак кўтарди улкан кўлин, адабсиз ой юзига тарсаки урмоқ бўлиб (Пифагор — кекса терак, кўл — улкан) деб ўтирилса,

W.S.Merwinning ingliz tiliга таржимасида ҳам 100 йиллик қўл учрамайди ва and a solitary poplar — Pythagoras of the pure plain — lifts its aged hand to strike at the moon (8) (Пифагор — якка терак, қўл — қари) тарзида кўриниш олади. Қисқа айтганда, маданиятлараро мулоқотда бир-бирини англаш муаммоси тадқиқотларда маълум маданий ҳамжамият аъзолари бошқа маданият вакиллари билан ўзаро муносабатлар жараёнида бир-бирларини тушунишга интилиш қобилияти сифатида белгиланади. Маданиятлараро билимларга эга бўлиш замонавий мутахассиснинг асосий ваколатларидан биридир. Муайян тилгагина хос бўлган миллий-маданий сўзлар ўзга маданиятни тушуниш, маданиятлараро компетенцияни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди (2, 223). Ўзаро мулоқот жараёнида сўзлашувчилар томонидан қабул қилинган стереотиплар, ахлоқий меъёрлар ва қоидаларни ҳисобга олмасдан бир-бирини тўлақонли тушунишга эришиш мумкин эмас. Демак, турли тизимли тилларни чоғиштириб уларнинг мифологик, лисоний, миллий-маданий, фольклор ва ҳ.к. манзараларини илмий тадқиқ этиш бу тилларгагина хос бўлган кодларни очишга, тезаурусни бойишига олиб келади.

Хулоса. Билимлар тизими ва муайян тилга хос концептлардаги ўзгачаликларга у ёки бу этнос яшаётган муҳит, жамият ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар бир халқ тарихий қадриятлари ва ҳудуди сабаб ўз олам манзараси билан ўралган. Бу худди инсонни ўраб турган аурасига ўхшайди. Демак, олам манзаралари тадқиқи турли этносларни ўрганишда катта манба бўлиб хизмат қилади. Олам манзараси термини бу ёруғ оламда инсон ва инсониятнинг ўз ўрнини аниқлашга ҳаракат қилувчи дунёсини умумий жиҳатдан таърифловчи образ ва тушунчаларни англатади. Инсонга борлиқда муайян ўрин ажратувчи олам манзаралари унга турмушда тўғри йўналиш олишга ёрдам беради ва одамларнинг маънавий-амалий фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Оламнинг илмий, диний, фалсафий ва ҳ.к. манзаралари дунё ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан ўзига хос қараш беради.

Оламни образли тафаккур қилиш масаласи бу оламни билишнинг ўзига хос мураккаб жиҳатидир. Образли тафаккур жараёни болалиқдан олинган билимнинг савиясига қараб ҳар бир инсонда турлича бўлади, унинг онг остида шаклланган илмининг негизиди туради. Бу ижодкор инсонларда кучлироқ ўз ифодасини топади. Демак, оламнинг барча манзаралари ҳосили инсоннинг изланишлари ва тажрибаси натижасидир. Бунда олинган билимнинг тажрибада синалиши орқали инсон илми сараланиб боради.

Ўз ўрнида оламнинг лисоний манзараси тадқиқот предмети сифатида антропологистика ёки этнолингвистика, тил фалсафаси, когнитив лингвистика ва линвокультурология фанлари ривож билан боғлиқ ҳолда ўрганилади ва бу фанлар ривожиди муҳим аҳамиятга эга.

Турли метафоралар, Сомон йўли термини тадқиқи, уларнинг дунё халқларида ҳар хил маъно-мазмунга эгалиги, номланиши бу миллатлар тезаурусиди тафаккурнинг турлича шаклланганлигидан дарак беради. Турли лексема/терминлар этимологиясини чуқур ўрганиш бу сўзлар шаклланишида этнослар ҳудудий жойлашуви ва ўзига хос миллий-маданий ривожланишининг онгга, билимга таъсири катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bakhronova D. Las palabras y la cultura. Lengua, globalización e interculturalidad / Words and culture. Language, globalization and interculturality. Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades, 2021, No.6(27), 239–246. <https://doi.org/10.46652/rgn.v6i27.781>
2. Bakhronova D. Peculiarities of Intercultural Competence in Teaching Foreign Languages. Religación, vol. 4, 30 Aug. 2019, pp. 221–224, [doi:10.46652/rgn.v4i28.423](https://doi.org/10.46652/rgn.v4i28.423).
3. Diccionario de la lengua Española de Real Academia Española. — Madrid, 1992, T. II, — 2135 p.
4. Diccionario etimológico. <http://etimologias.dechile.net/?galaxia>
5. Etimología de galaxia/Blog de lengua. <https://blog.lenguaje.com/2015/etimologia-de-galaxia/> (murojaat sanasi: 07.02.2021)
6. Gaudiano González, É. “Atisbando la construcción conceptual de la educación ambiental en México”. Educación y diversidad cultural. Educación y medio ambiente. — Ciudad de México, 2003: CESU-UNAM. pp. 243–275.
7. Guerrier H. Con dos huevos / Héloïse Guerrier y David Sánchez. — Bilbao: Astiberri 2014. — 96 p. <http://www.abc.es/cultura/20140609/abci-origen-estar-todos-fregados-201406091250.html> (murojaat sanasi: 20.01.2021)
8. <http://www.brindinpress.com/pslorcon.htm> (murojaat sanasi: 07.02.2021)
9. <https://sv.wikipedia.org/wiki/Vintergatan#Etymologi> (murojaat sanasi: 07.02.2021)
10. Lorca F.G. CAPRICHOS (Suite de los Espejos). <https://www.poetasandaluces.com/poema/2183/> (murojaat sanasi: 07.02.2021)
11. Ажеж К. Человек говорящий. Вклад лингвистики в гуманитарные науки. — М.: Едиториал УРСС, 2003. — 304 с.
12. Бахронова Д. К. Метафоры в языковой картине мира (на материале английского и испанского языков) / Д. К. Бахронова, З. Д. Рахимжонова. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — №1 (291). — С. 225–228. — URL: <https://moluch.ru/archive/291/65803/> (дата обращения: 10.02.2021).
13. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. — Волгоград: Перемена, 2002. — 477 с.
14. Кирнозе З.И., Зинченко В.К., Зусман В.Г. Межкультурная коммуникация. От системного подхода к синергетической парадигме. — М.: Флинта : Наука, 2007. — 220 с.
15. Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. — М.: ЧеРо, 2003. — 349 с.
16. Орипов А. Танланган асарлар. 7-жилд. — Т., 2013. — 308 б.
17. Рахим И. Чин мухаббат. — Тошкент: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. — 284 б.
18. Султонов Х. Онамнинг юрти. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. — 256 б.
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006. — 680 б.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006. — 672 б.
21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. — 608 б.

References

1. Bahronova D. K., Rakhimzhonova Z. D. *Molodoi uchenyi*, 2020, No.1 (291), pp. 225–228. <https://moluch.ru/archive/291/65803/>
2. Bahronova D. *Religación*, Vol.4. No. 18. 2019, pp. 221–224, <https://doi.org/10.46652/rgn.v4i28.423>
3. Bahronova D. *Religación*. 2021, No.6(27), 239–246. <https://doi.org/10.46652/rgn.v6i27.781>
4. *Diccionario de la lengua Española de Real Academia Española* (Dictionary of the Spanish Language of Real Academia Española), Madrid, 1992, T. II, 2135 p.
5. *Diccionario etimológico*. <http://etimologias.dechile.net/?galaxia>
6. Azhezh K. *Chelovek govoryashchii. Vklad lingvistiki v gumanitarnye nauki* (A. The Man Who Speaks Contribution of Linguistics to the Humanities), M.: Editorial URSS, 2003, 304 p.
7. *Etimología de galaxia/Blog de lengua*. <https://blog.lengua-e.com/2015/etimologia-de-galaxia/>
8. Gaudiano González É. *Atisbando la construcción conceptual de la educación ambiental en México* (Glimpsing the Conceptual Construction of Environmental Education in Mexico), Ciudad de México, 2003: CESU-UNAM. pp. 243–275.
9. Guerrier H. *Con dos huevos* (With two eggs), Bilbao: Astiberri 2014, 96 p. <http://www.abc.es/cultura/20140609/abci-origen-estar-todos-fregados-201406091250.html>
10. <http://www.brindinpress.com/pslorcon.htm>
11. <https://sv.wikipedia.org/wiki/Vintergatan#Etymologi>
12. Karasik V.I. *Yazykovoï krug: lichnost', kontsepty, diskurs* (Language Circle: Personality, Concepts, Discourse), Volgograd: Peremena, 2002, 477 p.
13. Kirnoze Z.I., Zinchenko V.K., Zusman V.G. *Mezhkul'turnaya kommunikatsiya. Ot sistemnogo podkhoda k sinergeticheskoi paradigme* (Cross-Cultural Communication. From a Systematic Approach to a Synergistic Paradigm), M.: Flinta, Nauka, 2007, 220 p.
14. Kornilov O.A. *Yazykovye kartiny mira kak proizvodnye natsional'nykh mentalitetov* (Language Pictures of the World as Derivatives of National Mentalities), M.: CheRo, 2003, 349 p.
15. Lorca F.G. CAPRICHOS (Suite de los Espejos). https://www.Poetasandaluces.com/poema/2183/Etimología_de_galaxia/Blog_de_lengua. <https://blog.lengua-e.com/2015/etimologia-de-galaxia/>
16. Oripov A. *Tanlangan asarlar, 7-zhild* (Selected works. 7-zhild), Tashkent, 2013, 308 p.
17. Rahim I. *Chin muhabbat* (True love), Tashkent: UzSSR davlat badiii adabiet nashrieti, 1960, 284 p.
18. Sultonov Kh. *Onamning yurti* (The Land of My Mother), Tashkent: Gafur Gulom nomidagi Adabiet va san"at nashrieti, 1987, 256 p.
19. *Uzbek tilining izohli lugati. I zhild.* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language, vol. 1), Tashkent: Uzbekiston millii entsiklopediyasi davlat ilmi nashrieti, 2006, 680 p.
20. *Uzbek tilining izohli lugati. II zhild.* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language. Vol. 2), Tashkent: Uzbekiston millii entsiklopediyasi davlat ilmi nashrieti, 2006, 672 p.
21. *Uzbek tilining izohli lugati. IV zhild.* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language. Vol. 4), Tashkent: Uzbekiston millii entsiklopediyasi davlat ilmi nashrieti, 2008, 608 p.